

ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДАВАМАЛДА

КОЛЛЕКТИВНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

ТОШКЕНТ сув омбори қурилиш-монтаж бошқармасида ўтган йилнинг 1 январидан пудрат системаси жорий этилди. Шундан бери коллектив ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди.

— Янгичасига ишлашга киришадиган олдин, — дейди бошқарма бош инженери Убайдулла Номозов, — коллектив пудрати механизмни пухта ўлаштириш лозим эди. Шунинг назарда тутиб иқтисодий ўқув машғулотларини йўлга қўйдик. Иш ўринларини аттестациядан ўтказилди. Бошқарув аппарати такомиллаштирилди. Бу аппаратнинг 16 та шта-ти қисқартрилди.

Корхонада ўтказилган бундай амалий тадбирлар туфайли ишчи-хизматчилар ҳам социалистик омилкорлик сабабларини ўқиб, ишга янгичасига муносабатда бўла бошладилар. Шу даврга қадар эътиборсизлик билан қаралган янгиларни резервларини ишга солишда ҳам Жумладан, мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланишга, уларнинг ремонтисиз ишлаш муддатларини узайтиришга интилоқдалар. Бу ўз вақтида меҳнат унумдорлигини ортиришга олиб келди.

1987 йилда бошқарма бўйича 5 миллион 339 минг сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари — бажарилиши керак эди. Бу қўрсаткич салкам ярим миллион сўмлик ортири билан бажарилиди. Коллектив ўтган йилда янги ерларни ўлаштириш, экин майдонларини напистал текислаш ишларини амалга оширди. Ҳар бир ишчиининг ўртача ойлик иш ҳақи 1986 йилда 210 сўмни ташкил этган бўлса, юбилей йилида 8 сўмга ортиди. Бу меҳнат унумдорлигининг ортиши, тежамкорлигининг кучайиши, ҳар бир ишчи-хизматчининг виждонан ишлаши натижасидир. Худди шу омиллар туфайли олдинга фойда пландагидан анча ошди. 546 минг сўмни ташкил этгани керак эди. Амалда бир миллион сўмдан ҳам кўпроқ бўлди.

Бундай муваффақиятларга эришишда социалистик мусобақанинг намунали ва изчил йўлга қўйилганлиги ҳам катта роль ўйнамоқда. Мавжуд бешта қурилиш участкаси ўртасидаги меҳнат баҳсига ҳар кварталда якун ясалади. Мусобақа жараёнида ҳар бир ишчи ихтиёридаги механизмнинг иш унуми, меҳнат интизомининг аҳоли, моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш даражаси инобатда олинмоқда. Ҳали қишқар участка кўча Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланади. Уштаннинг жонқуяр ишчилари санаторий, дам олиш уй-

ларига бориб ҳордиқ чиқариш учун пулсиз ёки иттиёзли йўлланма ажратилди.

Юбилей йили давомида Нурон Кубаев ва Валерий Пидбуртний бошлиқ туртинчи ва бешинчи участкалар коллективлари бир неча бор мусобақа ғолиблари бўлишди. Бошқармада меҳнат қилаётган тадбиркор ишчилар — бўльдозер машинистлари Соҳиб Асанов, Михаил Галадеров, Николай Черников, бетончилар Мирза Ахмедов, Василий Цой, скреперчи Фотих Юсуповлар коллектив пудрати афзалликларини амалда маҳорат билан намойиш этиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Бошқарма бунёдкорлари ўтган йилда эришилган зарбдорча иш маромини ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам сўсайтирмасликка қатъий аҳд қилишган. Улар қурилиш-монтаж ишлари саломини янада ошириш ва шунингдек, сифатини яхшилашнинг ҳам дилга мустаҳкам ҳо қилиб ишлашмоқда. Жумладан, меҳнат унумдорлигини 3,5 процент ошириш кўзда тутилмоқда. Пировавда ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш принципини ишлагига замин тайёрлаш вази-фаси турибди. Лекин бу юксак мақсадларни ағалашда тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг муҳими уй муаммосидир. Ҳозирги кунда шу кичик коллективда 37 киши турар-жой олиш учун навбатда турибди.

— Катта меҳнат галабалари қўлга киритилган ўтган йилда ҳам бошқарма-мизда кадрлар кўнимсизлиги 5,8 процентни ташкил этди, — дейди бош инженер. — Бунинг энг асосий сабабларидан бири турар-жой муаммосининг ҳал этилмаётганлигидир. Район ижроия комитетидаги маъсул ўртоқлар икки йилдан буён Куйбисев номи колхоз территориясидан 8 гектар майдон ажратиб берма-из, деб ваъда қилдилар.

Жойларда қайта қуриш амалга оширилишида инсон омилига эътибор ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қолаверса 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида турар-жой билан таъминлаш партия-миз сийосатининг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, бошқарма коллективининг турар-жой масаласи хусусидаги талабини қондириш кечиктирилатилганлиги ажабланарлиқдир. Ваҳоланки, бошқармада бунинг учун етарли маблаг ва ресурслар бор. Шундай экан, ер ажратиб беришни тезроқ ҳал қилиш керак.

С. ҚУРВОНҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ району.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Чимкент — Тошкент ўртасида яқинда фойдаланишга топширилган нефть маҳсулотлари оқадиган қуварда авария содир бўлиб, 36 тонна солянка Чирчиқ дарёсига оқиб тушиб, унинг бўғатиди. Ҳозирги вақтда авария оқибатларини бартараф этиш учун ишлар олиб боришмоқда. Сува нефть маҳсулотларининг кон-центрацияси камайд. Бироқ ҳали ҳам норма-дагидан ошмиқорқидир. Солянка тўкилган минг-лаб кубометр тупроқ 4 километр нарига олиб бориб тўкилди. Бу тупроқ бундан буён экин экиш учун яроқсиздир. Нефть маҳсулотларининг Чирчиқ дарёсига оқиб тушишининг олдинки олиш учун тўғонлар қурилди.

Киевдаги «Южпро-нефтепровод» институ-ти лойиҳачилари, «Сред-азнефтегазстрой» трес-ти қурувчилари ва бу-юртмачи — Ўзбекистон ССР нефть маҳсулот-лари таъминоти дав-лат комитети ходим-ларининг бефарқлиги халқ хўжалигига жу-да қимматга тушди. Де-казилган зарар 1 миллион 237 минг сўмни ташкил этди. Суратлар-да: (ўнгдан чапга) то-залаш ишлари олиб бо-рилмоқда, нефть маҳ-сулотларининг Чирчиқ дарёсига оқиб тушиш олдинки олиш тадбирла-ри қилинмоқда.

Ф. Қурбонбоев,
Р. Нуриддинов
фотолари.

(ЎзТАГ).



С. ҚУРВОНҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ району.

ТАНҚИДГА ТЕСКАРИ МУНОСАБАТ

Калинин район «ЛЕНИН-ЧИ» газетасининг ўтган йил-даги таҳлимининг бир-бири ва-рақдайми. Меҳнат коллек-тивларининг қайта қуриш йўлидаги изланишлари, ин-сон омили, социал ҳаёт ва бошқа соҳаларга оид турли-туман материаллар босил-ган. Лекин уларнинг акса-рияти қуруқ мақтовлардан иборат бўлиб қолган.

Ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмаски, аҳолига меди-цина хизмати кўрсатиш иш-лари республикада, шу жумладан, областимизда ҳам талаб даражасида эмас, бу ҳол айниқса, қишлоқ жой-ларда яққол кўзга ташлан-моқда. Лекин «Ленинчи» га-зетаси саҳифаларида ўтган йил мавойинда медицина-нинг аҳоли ҳақида бирор-та ҳам йирикроқ танқидий мақола босилмади. Олдин газетхон С. Нишонованинг «Соғлиқ посбони» (12 май), «Сўзи билан давонадиди» (4 август) сарлавҳали хабарла-рининг, С. Мухаммадналие-вининг «Қалби халатидек оқ» (6 август), Ж. Арсланова-нининг «Қўлнинг дара кўрмас-син» (12 ноябрь) лавҳа-ларини ўқиб, районда меди-цина хизмати юксак даража-да экан-да, деган хулосага ке-лиши табиий. М. Ботиров-нинг «Янги шифохонадан аҳоли мамнун» корреспон-денциясида шифокорлар мақтовни ошириб юборилган. Авторнинг ёзишчага район юқумли касаллиқлар шифо-хонаси ишга тушганга ҳа-ли кўп бўлгани йўқ. Шун-дай экан, дарҳол ушун кў-ларга қўтариб, мамташга хо-жақ бормиди? Ўйимиз учун газетга медицина хизмати ҳақиқий манзарасини кўр-мапти?


Бошқа соҳаларда ҳам бе-рилаётган «давомли» мақ-тов материалларнинг кети-зи узилмапти. Мисолларга мурожаат қилайлик. Қўли-мизда газетанинг 19 декаб-ридаги сони. Учинчи саҳифа-да «Баличларнинг меҳнат вах-тасида» сарлавҳаси остида Б. Ғофуровнинг 2 та фотосу-рати босилган. Шу хўжалик-дан «Етти хазинадан бири» мақола ҳам берилган. Ке-йинги сонда яна шу хўжа-ликдан «Баличларнинг мува-фақияти» сарлавҳали катта-гина корреспонденция ва ба-лиқчи А. Манноповнинг мам-

нун боқиб турган фотосу-рати босилган. Бир объектдан кетма-кет мақолалар, фото-суратлар беришга ким маж-бур эътибор? Ҳеч ким. Бу фақат ишни планлаштириш-даги пала-партишликдир, хо-лос.

Район экономикасида, со-циал ҳаётда ташвиш туғ-дираётган, ечимини қўлиб ётган муаммолар оз дейсиз-ми? Йўқ, камчиликлар ҳам-ма соҳада бор. Фақат улар-ни чўқур ўрганиш, жамоат-

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: МАТБУОТГА РАҲБАРЛИК

чилик фикрини тугдириш, совет ва хўжалик органлари олдида қўйиш лозим. Тўғри, ўтган йилда 70 дан ортиқ катта-кичик танқидий мате-риаллар босилиб чиқди. Ле-кин уларнинг қарийб барча-си иккинчи даражали мавзу-ларга бағишланган қолган. Эътиборга тушадиган йирик муаммолар мақолалар деярли учрамади. Шу босидан ҳам танқидий материалларнинг туртдан бири жавобсиз қол-моқда. Ай



«СОВЕТСКИЙ
ПИСАТЕЛЬ»
НАШР ЭТАДИ

Г. ХОБОТЪЕВ.

А. Рискнев фотоси.
(ЎзТАГ).



ЯНГИ КЛУБДА КОНЦЕРТ

да Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаббат Шамаева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Илёс Маллаев ва Ортиқ Отажоновлар ҳамда республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, республика телевидениеси ва радиосининг доторчи қизлар ансамбли санъатларида бяхрамадан бўлиди.

Концертда, шунингдек ёш ҳаваскорлар, II республика мамомчилар конкурсининг лауреатлари Маҳмуд Тобоев, Эришжон Рўзмаев республика телевидение радиосининг солишти Холроод Зарипов ҳамда Ўзгити ансамбли рақосис аазам Гофуровлар ҳам тирок этишди.

Шу кунги клубга табуирунганлар ўзларига хитилган янги бинодан таудир ўтказилган дастлаб тандинлар мамнун бўқайтидилар.

М. БОЗОРАЛИЕВ

MATONAT

ди. Чиряқда шофёрлар гай-
ёрлаш курсида ўқиб, ҳайдов-
чилик гувоҳномаси олдим.
Насиб қилса, кулайроқ стол-
стул ҳам сотиб олмакчи-
ман...

— Республика Расомлар

Ер васлига етгунча
Бағри-длинни оқди.

Бола қўрққанидан босини
кираб қаттиқ қичқирди
қоборди. Уйғониб кетган она
унинг чўдай қизиб кеттигини
пешонасини ушлаб, очилиди
қолган устига қўрап ториди
тар экан, хурақ отиб бе-
парво ухлаб ётган эрини
қараб: «Бераҳм, боламининг
ўқитди-я», деб пичирлади
қасир-қасир момақалди
роқ овози бир зум тингандан
да қўрада елинлари тар-
ерилгудай она кўнини
тинчилиш маърабтаган
ишчилик турар, унинг но-
ласига, сира тоқат қилини-
бўлмасди...

Қўрдош ҚАҲРАМОНОВ.

— Квартиргизини кабыл алмакчисиңизге да канча канистларга куча келдиниз! Сурадан ҳаммаслари ягити калашини олган ходимларга. — Хозирча битта.

Улар бу гапдан кувониб кетишти:

— Вой, кандай Бахтли экансыз-а, урток! Хуш, қавери чакан?

— Хали куча эшигини очомадим-да.

Оркестр трубочаси тунсуват иккида мехмонхона, репетиция киларди. Бундан токтач-ток булган кучада дөвөри таксилатилди:

— Хой, күшми, — бакчир, трубоча. — Хозир — деворкартина осадиган вақт эмсиз. Ярим кена бүлди-ку.

Түпловчи 3. ТУСУНОВ.



Робинзон Крузо:
— Менга ўхшаб кимсасиз
роҳрола тушиб қолганинда
бу жониворларнинг қадрига
етардинг.



Балиқчи-ишқибозлар
Омадин синаб кўрса,—
Ўлка ўрида тўрдан
Чиқибди темир-терсақ...



РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ
САҲИФАЛАРИДАИЗЛАНИШ
ДАВОМ ЭТСИН

«АНГИПУЛ» газетасининг ўтган шабабаси янгида кўринишда (кичик форматда) 8 бетли бўлиб чиқди. Ўз ишнинг давр талаблари асосида қайта қураётган йилда коллектив бундан буюн ҳар шабаба газетани шу хилда газетхонларга тақдим этиш илтифоти.

Дастлабки қадам муваффақиятли бўлди. Саҳифаларда маълум мавзулар атрофлича, чуқур таҳлил қилинди. Иккинчи саҳифада шифокор коммунист К. Курбанова Бутуниттфоқ XIX партия конференцияси олдидан газета асосига жавоб берган бўлса, иккинчи саҳифалар газетхон мақбуллари асосида тайёрланган. Ундаги «Келин ҳам фарзандку», «Магазинда эмас, чайновда» каби мақолалар газетхонда мулоҳаза тугдирмай қолмади.

Редакция хатлар ва оммавий ишлар бўлими тайёрлаган «Имзосиз хат — давр руҳига ёт» сарлавхали мақола соф виждонли кишилар устидан юмалоқ хатлар уюштириб, қанчадан-қанча одамларнинг асабини бузган тухматчиларга муносиб жавоб бўлган.

Бошқа саҳифаларда ҳам кундалик ҳаёт қувончлари ва ташвишлари сезилиб турди. Коллектив ижодий изланишда давом этиб, саҳифаларга кўчилишни қийинлаштирган муаммолар мавзулари олиб чиқиш, ҳар бир сонини янада ўқимшли ва таъсирчан қилиб, газетхонга тақдим этиш йўлида бор ижодиётлардан самарали фойдаланишни керак.

ТОНГДА ҚУВОНЧ
УЛАШИБ

Почтальонлик — алоҳида сийқилик талаб этадиган касбдир. Эрта тонгдан кишиларга газета-журналлар, хат-хабарлар келтирувчи одам, устига-устак самимий инсон бўлса, кун бўйи кайфиятингиз ҳам яхши бўлади. Сиддик ака Юсуфалиев ана шундай одамлардан. Қариб 10 йилдирки, у Илчи номида кўлхоз аҳолисини ҳар тонг қувонч улашди. Ҳар кун илчи хонадонларга хушхонлик олиб келадиганлар унинг кунли қушхоналарини деб аташди.

ЧУПОН БОЛАЛАРИ
УЧУН

Тоғ ён бағирларида жойлашган «Серго» участкаси чорвачилик отарлидаги чўпонларнинг болалари учун Собир Раҳимов номида совхоз маъмурияти янги тирмовой бочка қуриб берди. 90 нафар тарбияланувчи мўлжалланган бу бочка кичкинтойлар учун барча қулай шароитлар яратилган. Ҳўжалик маъмурияти улар учун 6000 сўмлик турли ўйинчоқ ва жиҳозлар сотиб олди.

М. ҚАЮМОВ,
Оҳангарон райони.

Ислом УСМОНОВ

1922 йилда туғилган. Қизил Армия сафига Калинин районидagi Қатортол қишлоқ Советидан қабул қилинган. Улуғ Ватан урушида 33-ўқчи дивизия саставидagi 1118-ўқчи полкда бўлиниш мандари сифатида жанг қилган.

1943 йил 26 ноябрь кечаси Днепр дарёсини кечиб ўтиш мўлжалланган эди. Шу мунсабат билан полкнинг жумладан кичик сержант И. Усмонов бўлинишнинг жангчилари ҳам дарё қирғида эгилган ўт очиб туришарди. Гитлерчилар эса минорет ва пулемётлардан узулусиз ўт очиб, дарёдан ўтишга тўққонлик қилишга уринишарди.

Шу пайт Ислом Усмонов взвод командири Дегтяровга мурожаат қилди.

— Уртоқ кичик лейтенант, Днепрнинг нариги қирғида ўтишга шаймасиз. Бунинг учун дарёнинг пасти қисмидан бир эски қайиқ ҳам топиб қўйди. Астронавтик жангчи Максимо «қайиқни» ўзим бошқариб бораман» дедик. Бўлиниш жангчилари билан дарёдан биринчи бўлиб ўтишга рухсат этинг...

Теклиф Дегтяровга маъқул тушди.

— Розиман, — деди у. —

Аммо нҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим, қирғоққа чиқиб олган, қайиқ ҳайдовчи яна орқага қайтиб келиши шартлигини унутманг.

— Ҳаммаси сиз таъкидлагандек бўлади, ўртоқ кичик лейтенант, — жавоб қилди И. Усмонов.

Бўлиниш командири жангчиларини дарёнинг қайиқ турган жойига бошлаб кетди. Ҳаммалари чиқиб олган, Максимо

портлашдан душман мудофая позицияларига келди.

Артиллерия тайёргарлиги нҳоятда этиш билан ҳамма ёқин рота, взвод ва бўлим командириларнинг ҳужумга кўтарилиш тўғрисидаги даъватлари тўғиб кетди.

— Баҳодирлар, Ватан учун, олға!

Ҳужумга биринчи бўлиб кичик сержант Ислом Усмонов ва унинг бўлиниши жангчилари кўтарилишди, бирин-

кетин гитлерчилар траншеясига бостириб боришди. Бўлиниш командирининг ўзи граната улоқтириб, душман станокли пулемётини ва унинг расветини яқсон қилди, юзмаз жангда автоматдан ўчириб, 8 солдат ва офицерини қириб ташлади ва бир унтер-офицерини асир қилиб олди.

Ҳужум давом этирилиб, Каневское қишлоғи учун жанг бошланганда, у душман ўт очиб нуктасига ақинлашиб бориб, гранаталар улоқтирди. Душман пулемётининг овози

КЕЧУВДАГИ
ЖАСОРАТ

мов қайиқни олға жилдирди. Кўп ўтмай, дарёнинг ён дарёрақлар қайиқ бўлиб ўсган қирғоққа етиб келишди. Ҳамма қирғоққа чиқиб олган, Максимо яна орқага қайтди.

Навбатма-навбат рота жангчиларини ҳаммаси дарёдан ўтиб олиб, фарбий қирғоқда павардани эгилганда тонг ота бошлаган эди. Шу пайт замбараклар ва миноретлар ишга тушибди. Уларга самолётлар ҳужуми қўшилди. Снаряд ва миноретнинг ёрилишдан, бомбеларнинг

ҳужуми билан бўлиниш жангчиларини ҳужумга даъват этди. Бўлиниш жангчилари командири Ислом Усмонов ва унинг бўлиниши жангчилари кўтарилишди, бирин-

кетин гитлерчилар траншеясига бостириб боришди. Бўлиниш командирининг ўзи граната улоқтириб, душман станокли пулемётини ва унинг расветини яқсон қилди, юзмаз жангда автоматдан ўчириб, 8 солдат ва офицерини қириб ташлади ва бир унтер-офицерини асир қилиб олди.

Ҳужум давом этирилиб, Каневское қишлоғи учун жанг бошланганда, у душман ўт очиб нуктасига ақинлашиб бориб, гранаталар улоқтирди. Душман пулемётининг овози

«Дардимга даво излаб» мақоласи газетхонлар муҳокамасида

ШИФОКОР. Бу сўз заманида бир олам маъно бор. Инсон бошига оғир кун тушганда улар ота-онадан ҳам яқин, нажоткор кишилар бўлади. Ушбу сатрларни битаянман-у кўз уғимдан ўша даҳшатли, сунронли уруш йиллари ўтмоқда. Бўйида врачлик суммаси, бир қўлида автомат ушлаб ярадорларни жанг майдонидан даст кўтариб чиқаётган санитрукторлар сиймоси хотирамда абадий муҳрланган қолган. Ўзининг довиораклиги, жасурлиги, жанггоҳлардаги дадил ҳаракатлари туфайли неча минглаб Ватан ҳимоячиларининг ҳаётини сақлаб қолганлар шу ҳамширалар, шифокорлар эмасми? Мен ҳам уч марта ўлиб-тирилиб, ўша шифокорларнинг ёрдами натижасида тирик қолганман. Иккинчи гурпуа уруш нивалидиман: оққунгил, пок қалб эгалари ҳаммиса бор бўлсин, кўп бўлсин, дейман.

Хурматли редакция! Менинг буларни қўзғоғи битишимга газетангизнинг 1987 йил 3 декабрь сонида эълон қилинган «Дардимга даво излаб» мақоласи сабаб бўлди. Мақола жуда таъсирли эзилган. Яна мени ҳаёжонга солган шу нарсаси бўлди, мен ҳам мақола қаҳрамони яшаган кўлхозда яшайман. Худди шу кўлхозда шифоконасига ишим тушган ва ҳозир босимдан ўтган бир воқеа хусусида тўхталмоқчиман. Лозим топсанглар газетда босиб чиқарсанлар.

Бундан 6 йил бурун куз пайтида Ахмаджон деган ўғлим пахта йиғим-теримида бинойидек ишлаб юрган эди. Бир кун мазам бўлмапти, деб кириб келди. Аввалига врачлар томоқ оғрини — ангина, деб даволашди. Сўнг ўғлимнинг сар-

гайтан юз-қўзини кўрган Куйбешев участкаси касалхонасидаги врачлар район марказий касалхонасига йўланма ёзиб беришди. Ўшанда Ахмаджон район касалхонасида бир ярим ой ётиб чиқди. Сўнг уйга келган, бир ҳафта ўтар-ўтмас яна қайталаб қолди. Иккинчи марта касалхонада у икки ой даволанди. Врачлар тузалдинг, деб уйга жавоб

Сўнг 1-клиник касалхонага ётқизишга йўланма беришди. Ўйга умидвор бўлиб қайталаман-у, барибир врачнинг боғли гапи кўнглимнинг бир чеккасини зимистон қилиб турган эди.

Ўғлим ҳам касалхонада ётган жойида врачнинг ноҳуш гапини эшитган экан... Энди оила аъзоларимизнинг ўша кун мижага қўймай қандай тонг оттирганини

бир кўз олдиданга келтириб кўриш-а! Ўша тонгнинг эслаш мен учун нақадар даҳшат эканини билсангиз эди.